Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1998 йил 10 июнь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 41 (7038)

Da'vat

Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Ургут туманидаги 127-мактаб таъмири учун туман ҳокими муовини Суюнбой Умаров шахсий жамғармасидан 4000 сўм пул ўтказди.

Qarorga sharh

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 41-модда.

Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, маънавий ислоҳотларнинг бари охир-оқибатда давлатимизнинг мустаҳкамланиши, турмушимизнинг яхшиланиши, халқимизнинг фаровонлигига эришишга қаратилган.

Қизиқ жойи шундаки, ўзгаришларни одамлар амалга ошириши керак бўлса, демак, уларни бошқача яшаш ва янгича фикрлашга ўргатиш зарур. Шунинг учун ҳам кадрлар тайёрлаш муаммоси ислоҳотларнинг ўзак масаласи ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мамлакатимиз ҳаётидан ана шундай муҳим ҳодиса янглиг қабул қилинди. Изчиллик билан шу дастурни ҳаётга татбиқ этишга киришилди.

ЯНГИ МАКТАБ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Узбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 13 майда қабул қилинган «Узбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-қарори ҳам шу йўлда ташланган жиддий қадамлардан бири бўлди. У умумий ўрта таълим тизимида туб бурилиш содир этади.

...Қишлоғимиздаги мактабни кексалар «ТУМ» дер эди. Бунинг маъносига унчалар тушунмас эдик. Йиллар ўтиб, сўраб-суриштириб билсам, «ТУМ» қисқартма сўз, яъни «тўлиқсиз ўрта мактаб» дегани экан. 1930 йили ташкил топган бу мактаб то 50-йилларнинг бошларигача ТУМ, яъни етти йиллик мактаб бўлган. Биз ўқиган даврларда саккиз йиллик мактаб тўлиқсиз ҳисобланар, уни тугатганда қўлимизга шаҳодатнома ҳам берилар эди. Ўрта мактаб ўн йиллик эди. Ҳозир ўн бир йиллик мактаб умумий таълим мактаблари ҳисобланади.

Янги қарорнинг ўзига хослиги шундаки, энди ўрта таълим деганда тўққиз йиллик мактаб тушунилади.

Бу энди илгариги «ТУМ», яъни саккиз йиллик мактаб ҳам эмас, айнан ўн е ўн бир йиллик мактаб ҳам эмас. Чунки бу мавжуд таълим тизимидаги янги тизим буйича тамоман янги муҳим бир бўғин.

Умумий ўрта таълим биринчидан то тўққизинчи синфгача бўлган таълимни ўз ичига олади. Бу Узбекистоннинг барча фуқаролари учун мажбурий таълим ҳисобланади. Бир жиҳатдан қараганда, бу илгариги саккиз йиллик мактабга ўхшаш кўриниши мумкин. Бироқ моҳиятан ундай эмас. Бу ерда умумий таълим беришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун ҳам моҳиятан у олдинги умумий ўрта таълимга яқин келади. Болалар тўққиз йил ичида умумий ўрта таълим талаб қилган стандартларга жавоб берадиган дастур асосида ўқийди.

Тўққиз йиллик мактабнинг илгариги тўлиқсиз ўрта таълимга ўхшаш жиҳати шундаки, тўққиз синфни тугатгани билан ўқувчи учун таълим тугамайди, аксинча, яна давом этади. Бироқ энди бу ёғи мажбурий-ихтиёрий ўқиш ҳисобланади. Унинг номи ҳам энди бошқача. Биринчиси — ўрта махсус мактаб, яъни академик лицейлар ва иккинчиси — касб-ҳунар таълими, яъни касб-ҳунар коллежи. Мажбурийлиги шундаки, тўққиз йиллик мактабни тугатганларнинг бари ўқишни у ё бу турдаги мактабда давом эттиради.

(Давоми 2-бетда)

Oltin yoz — o'tsin soz

Ёз — болалар севган, интиқ кутган фасл. Уларнинг бу фаслдан олажак таассуротлари бисёр бўлади. Айниқса, ёзги таътил уларга олам-олам завқ бағишлайди. Зеро, болажонларнинг ёзги таътили кўнгилли ўтишини таъминлаш учун ота-оналару ўқитувчилар бирдай ҳаракат қилишади.

Тошкент шаҳридаги 323-мактаб қошида ташкил этилган ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳи ҳам ана шундай ҳаракатлар самарасидир. Бу ерда кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар муҳайё этилган.

СУРАТЛАРДА: оромгоҳнинг бугунги ҳаёти акс этган.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ҳамда Қозоғистоннинг пойтахти — Остонанинг халқаро тақдимот маросимида иштирок этиш учун Остона шаҳрига жўнаб кетди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россиянинг «ТВ-6 — Москва» канали ҳамда Миллий телекўрсатувлар ассоциациясининг президенти Э. Сагалаев ҳамда телеканал директори ўринбосари, «Обозреватель» кўрсатуви шарҳловчиси С. Кучерни қабул қилиб, журналистларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ва кўлами, МДҲга тааллуқли саволларига батафсил жавоб берди.

● Дунёнинг энг баланд чўққисини забт этиб, унга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини қадаган Ўзбекистон альпинистларига ҳамда экспедиция раҳбари Анатолий Шабановга «Халқаро тоифадаги спорт устаси» деган энг юксак спорт унвони берилди.

● БМТ Тараққиёт дастури (ПРООН) ҳамкорлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистонда сайёҳлик ва ҳунармандликни ривожлантириш лойиҳаси доирасида Самарқандда халқаро туризм маркетинги ва халқ амалий ҳунармандчилигига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Туризмнинг Россиядаги элчиси Важа Лордкипанидзе ва Абхазия Президентининг махсус вакили Андрей Жаргения ўртасида Москвада бошланган мунозараларнинг навбатдаги босқичида грузин-абхаз можароларини тинч йўл билан ҳал этиш масалалари кўрилмоқда.

● Бир қатор давлатлар қаторидан иқтисодий жазо чораларига гирифтор бўлган Покистон мамлакати Бош вазири Навоз Шариф араб мамлакатларига сафар қилиб, Жанубий Осиёда тинчликни сақлаш муаммолари ва айрим иқтисодий масалаларни муҳокама этмоқда.

● Люксембургда Европа мамлакатларининг Ташқи ишлар вазири иштирокида ўз ишини бошлаган Европа иттифоқининг мажлисида ушбу Иттифоқ мамлакатлари раҳбарларининг Буюк Британиянинг Кардифф шаҳрида бўлиб ўтадиган учрашуви олдидан кўриладиган масалалар муҳокама этилмоқда.

ФИКРЛАШ ВА РЕЙТИНГ 2-бет

«АЛ-КАШШОФ» — БУЮК КАШФИЁТ 3-бет

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари» мавзусига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур Декларация — Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳужжатлардан бири

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

ҳисобланади. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва БМТнинг Ўзбекистон учун Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда ва БМТнинг халқаро экспертлари иштирокида ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов кириш сўзи билан очди.

Анжуманда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қатор масалалар муҳокама қилинди, фикр алмашилди.

Мухбиримиз

Tanlov

ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

Ёдингизда бўлса газетамизда энг яхши мақолалар танлови ўтказиш ҳақида маълумот бергандик. Тўғрироғи, педагогика ва психология фанлари соҳасида энг яхши илмий мақолалар учун аспирант ва докторантлар ўртасида йиллик танлов ўтказиш бўйича Халқ таълими вазирлиги Низом қабул қилганди. Ушбу Низомга кўра эксперт гурухи тузилиб, улар ҳар томонлама пухта, мулоҳазага бой мақолаларни танлаб олишлари лозим эди. Педагогика фанидан энг яхши 3-та мақола муаллифига 1—2—3 ўринлар, психология фани бўйича ҳам худди шу усулда ўринлар тақсимланиб, 1-ўринга энг кам иш ҳақининг 8 баравари, 2-ўрин учун 6-баравари, 3-ўрин учун 2 баравари миқдорида мукофот белгиланган эди.

Ушбу танлов мана 3 йилдирки ўтказиб келинмоқда. Хўш, ўтган давр мобайнида танлов қандай натижа билан тугади, кимлар ғолиб деб топилди, танловдан кўзланган мақсадга етилдими?

Ушбу ва шу каби масалаларга куни кеча Республика Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган танловнинг 1997 йилги якунларига бағишланган йиғинида жавоб берилди. Унда Низомий номидаги ТошДПУ, Қори Ниёзий номидаги УзПФИТИ, А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ аспирант, докторант ва илмий изланувчилари иштирок этдилар.

Ушбу йиғинда танлов ғолибларини тақдирлаш. Психология фани бўйича 1-ўринни Низомий номли ТошДПУ докторанти Қ. Мамедовга, 2-ўрин шу университет аспиранти Э. Қулжоновга, 3-ўрин А. Авлоний номли ХТХМОМИ аспиранти У. Сарибоевваларга насиб этди.

Педагогика фани бўйича эса Низомий номли ТошДПУ докторанти Ш. Авазов, Қори Ниёзий номидаги УЗПФИТИ докторанти А. Сулаймонов, шу институт аспиранти Р. Келдиёровнинг мақолалари энг сара деб топилди. Уларга Низомда кўрсатилгандек пул мукофотлари ва вазирликнинг фахрий ёрлиқлари топширилди. Шунингдек, долзарб мавзудаги илмий мақолалар муаллифларига ҳам мукофотлар топширилди. Ушбу ғолиб муаллифларнинг мақолалари эса тўплам ҳолида чоп этилди.

Якуний йиғинда таълим соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган аспирантлар ва докторантларнинг илмий мавзуларини танлаши, миллий дастурдаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган изланишларни тажриба синов майдончаларида синаб кўриш масалалари юзасидан сўз юритилди. Фан ва педагогика таълим бошқармаси бошлиғи М. Яҳеев танлов якунлари ҳақида тўхталиб, 1-ўрин сохиби Қ. Мамедовнинг «Турли тоифа 8-синф ўқувчиларининг ақлий ривожланиш хусусиятлари» 2-ўрин эгаси Э. Қулжоновнинг «Маҳкум ўсмирлар хулқ-атворини психологик тўзатишнинг самараси ҳақида» номли мақолаларининг таҳлилий, пухта, далилларга бойлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Танловнинг яна бир йиллик босқичи якунланди, аммо у давом этаверади. Чунки бу анъанага айланиб бормоқда.

Газетамизнинг келгуси сонларида ғолиб муаллифларнинг мақолаларини эълон қилиш ниятидамиз.

Х. АБДУРАҲМОН

Tadbir

ЖУРЪАТГА ЧОРЛАГАН КИТОБ

Бугунги кунда таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларимиз эртанги кун эгалари, аждодларимиз қолдириб кетган бой маънавий мерос ворислари эканлиги барчамизга аён. Хўш, буни ўғил-қизларимиз қандай ҳис қилишмоқда? Улар юртимизни жаҳонга танитган Ибн Сино, Амир Темур, Бобур, Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Нақшбандий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолардан қолган меросга муносиб равишда билимли, ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишиши лозимлигини англашаяптими? Пойтахтимиздаги Республика Нафис санъат лицейида таниқли журналист Нарзулла Жўраев билан бўлган учрашувда ана шу саволларга жавоблар изланди.

Бу учрашув Нарзулла Жўраевнинг «Агар огоҳ сен...» китобига бағишланди. Лицейнинг «Нафосат» хор дастаси Ўзбекистон Давлат Мадҳиясини ижро этди. Мазкур билим даргоҳи директори Сўлмас Султонов муаллифнинг ушбу асари ҳақида атрофлича тушунча бериб, мамлакатимиз тараққиётида Президентимизнинг роли, юртимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда амалга оширилган ишлар хусусида, бу китобнинг оммабоп эканлиги тўғрисида гапирди.

Лицейнинг тарих ўқитувчиси Салимахон Сувонова лицей ўқувчиларининг барчаси мазкур китобни ўқиб чиққани, бу мутолаа ёшларимизда миллий уйғониш, ўзлигини англаш, миллий онг, тафаккурининг ривожланишига ёрдам беришини таъкидлади.

Сўнг лицей ўқувчиларидан Ирода Асилбекова, Шаҳноза Ҳайдарова, Улуғбек Рауфов, Машфират Муқимова, Лазиз Баҳронов, Ҳасанхўжа Пўлатхўжаевлар китоб тўғрисида фикр билдирдилар.

Учрашув меҳмони Нарзулла Жўраев лицей жамоасига ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Китобнинг ёзилишидан мақсад, унинг номланиши, миллий қадриятларимизнинг асосий мезонлари, муаллифнинг келгусидаги режалари ҳақида қизиқарли савол-жавоблар бўлди.

Лицей ўқувчиларининг бадиий чиқишлари, хусусан Шаҳло Ҳайитметованинг «Ташаккурнома» ашуласини зўр маҳорат билан ижро этиши кечага айрича файз киритди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов иштирок этди.

Феруза АБДУРАҲИМОВА

Yoshlar va istiqlol

ДАВР ФАОЛЛИККА ЎНДАЙДИ

Мустақиллик инъом этган бахт, аввало, талаба ёшлар орасида яққол сезилмоқда. Ёшларимиз ҳоҳлаган олий ўқув даргоҳларига тест тизими бўйича адолатли қабул қилиниб, бугунги кунда замонавий жиҳозланган аудиторияларда жаҳон андозалари даражасида таҳсил кураётганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади.

Яқинда Тошкент Давлат аграр университетининг бухгалтерия ҳисоби факультети ўқитувчи ва талабалари ўртасида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шарт-лари ва тараққиёт кафолатлари» китоби муҳокамаси бўлиб ўтди.

Унда университет «Камолот» жамғармаси раиси Чори Бегимқулов, сиёсатшунослик кафедраси профессори Самин Раҳимов, доцент Муҳаррам Раҳмонова, талабалардан Муборак Эркабоева, Зулфия Йўлдошева, Отабек Нуралиев ва Улуғбек Дадажоновлар сўзга чиқиб, йўлбошчимиз асарига, унда ёритилган қатор масалаларга ўз муносабатларини билдирдилар.

Муҳокама якунида факультет «Камолот» жамғармаси раиси Абдураҳим Нурмуродов бугун, эртанги кун эгалари бўлган ёшлар учун барча қулай имкониятлар яратилганлиги, улардан оқилона фойдаланиш кераклигини уқтириб биз ёшларни янада фаол бўлишга ундади.

Абдужамил АҲРОЛОВ, Умид АБДУРАҲМОНОВ, Тошкент Давлат аграр университети талабалари

МИМ — ХАБАРЛАРИ

FURSAT G'ANIMAT

Sirg'ali tumanida faoliyat ko'rsatayotgan o'quvchi va yoshlarning ilmiy texnika ijodiyot markazi qatnashchilari bo'sh vaqtlarini samarali o'tkazishayapti. Ular karting, bichish-tikish, mashina yozuvi, aviasozlik, raketa model, foto, naqqoshlik to'garaklarida mahoratli ustozlar ta'limini olishmoqda.

Ular yaqinda zahmatli mehnatlarining mevasini yana bir bor tatib ko'rishdi. Qo'yliq dahasida bo'lib o'tgan karting bo'yicha bolalar va o'smirlar o'rtasidagi shahar birinchiligida ishtirok etishib g'oliblikni qo'lga kiritishdi.

Zilola TURDIALIYEVA

KENGASH KO'NGILDAGIDEK BO'LDI

Yaqinda Sayxunobod tumanidagi 26-o'rta maktabda tuman maktablari rahbarlari va ijodkor o'qituvchilari «1998—2000 yillarda amalga oshiriladigan ta'limni rivojlantirish istiqbollari»mavzusida ilmiy-amaliy kengash o'tkazishgandi. Unda tuman XTB ham 26-o'rta maktab jamoasi ham puxta hozirlik ko'rishgan ekan.

Kengashda Sirdaryo viloyat XTB boshlig'i muovini S. Xudoyberdiyev, tuman XTB mudiri A. Qolboyevlarning «Ta'lim to'g'risida»gi qonunni ushbu o'quv yilida amalga oshirishda tuman XTBning ish yakunlari, kelgusi rejalari to'g'risidagi ma'ruzalari, shuningdek bir qator ijodkor o'qituvchilarning chiqishlari tinglanib, muhokama qilindi.

Egamqul JABBOROV

HAMKORLIK SHUNDAY BO'LSA

Buxoro davlat universiteti bilan «Sharq» nashriyot-matbaa konserni o'rtasida hamkorlik o'rnatilgandi. Buning natijasi sifatida «Sharq-Buxoro» LTD yuzaga keldi. Mazkur jamiyat tashabbusi bilan esa universitetda yaqinda kitob do'koni ishga tushirildi. «Sharq-Buxoro» kitob do'konida hozirda 6 million so'mlik turli adabiyot va o'quv darsliklari mavjud. Eng asosiysi bu erda narxlar boshqa turdosh savdo shaxobchalaridan ancha arzon.

Dilmurod JABBOR

«YOSH AVTOMOBILCHI» YO'LIDA YASHIL CHIROQ YONYAPTI

Namangan viloyati Chortoq tumanidagi 45-o'rta maktabning «Yosh avtomobilchi» guruhi «Yashil chiroq-98» musobaqasida dastavval tumanda 1-o'rinni egallashdi. Bundan ruhlanishib jamoa a'zolari astoydil tayyorlanishdi va viloyat bahsida ham 1-o'rinni egallashdi.

Endigi navbat Respublika musobaqasiga.

X. OTAXONOVA

ЯНГИ МАКТАБ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ихтиёрийлиги шундаки, энди ўқувчилар, борингки, ота-оналарнинг истаги ҳамда боланинг мактабда ўқиш даражасига — рейтингига қараб ана шу икки ўқишдан бирига тавсия этилади.

Академик лицейлар ҳам турли фан ёки соҳаларга ихтисослашган бўлади. Уларда болалар келажакда олий маълумот олиш учун ўқишларга киришга тайёргарлик босқичини ўтайдилар. Бунинг учун ўша — ўзлари танлаган соҳа буйича фанлар чуқурлаштирилиб ўргатилади. Махсус таълим дейилиши шундан.

Касб-ҳунар таълимининг моҳиятида болаларга муайян касб ё ҳунар ўргатиш ётади.

Хўш, тўққиз йиллик таълимнинг янгиликлари нималардан иборат?

Бу савол ҳаммани қизиқтириши турган гап.

Биринчидан, таълим дастурлари шундай тузилиши лозимки, ўқувчиларнинг билим олиш мунтазамлиги, илмга иштиёқи таъминлансин, умум савияси юқори бўлишига эришилсин.

Иккинчидан, айни шу синфларда ўқувчиларда меҳнат кўникмалари шаклланиши, уларда мустақил ижодий фикрлаш, атроф оламга онгли муносабат ҳосил қилиниши зарур.

Учинчидан, ўқувчиларда миллий ва умумбашарий қадриятларни узвий уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар шаклланиши, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялаш шарт.

Тўртинчидан, умумий ўрта таълим мактаблари дастурлари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқитиш дастурлари билан ўзаро узвий боғланишда бўлиши лозим.

(Боши 1-бетда)

Бироқ бу талабларга жавоб берадиган янги мактаб тизимини яратиш учун ҳали талай тадбирий ишларни амалга оширишга тўғри келади. Қарорда ана шу вазифалар жуда аниқ ва муайян қилиб белгиланган.

Шу йилнинг 1 августига қадар Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим давлат стандартини ишлаб чиқиши лозим ва бу 1998-1999 ўқув йилидаёқ синовдан ўтказилади. Келгуси йилнинг 1 июлига қадар бу синов натижалари ҳисобга олинган ҳолда пухта ишлаб чиқилган давлат таълим стандарти тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Кўриниб турибдики, янги ўқув йили таълим ислоҳотларини амалга ошириш учун алоҳида аҳамиятга эга давр бўлади. Чунки 1999-2000 ўқув йилидан давлат таълим стандарти ўқитиш дастурлари билан биргаликда жорий этила бошлайди.

Демак, ўқув йили бошлангунга қадар янги дастурлар тайёрланиши зарур. Бунда 10-11 синфлар ўқув юкламалари ва дастурлари бир қисми, тегишли равишда 5-9-синфлар дастурларига, бир қисми, ўз-ўзидан, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари дастурларига ўтказилади. Умумий ўрта таълим учун тузилган бу янги дастур ҳам 1998-1999 ўқув йилидаёқ синовдан ўтказилади. 1999 йилнинг 1 июлига қадар ана шу тажрибалар натижалари умумлаштирилиб, хулосалар инобатга олиниб, пухта-пишиқ дастур тасдиқ учун тақдим этилади.

Шу мақсадларда умумий ўрта таълим ўқув дастурларини таёйрлаш, синаб кўриш ва жорий этиш буйича республика комиссияси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Умумий ўрта таълим ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, синаб кўриш ва жорий этиш буйича махсус ишчи гуруҳлари ҳам тузилди. Унда 15 фан йўналиши буйича махсус гуруҳлар ташкил этилди.

Комиссия ва гуруҳларга шу соҳаларнинг мутасадди ва мутахассислари киритилди.

Агар умумий ўрта таълим давлат стандарти, умумий ўрта таълим дастурлари янгиланар экан, ўз-ўзидан, энди 1-9-синфлар учун янги дарсликлар керак булади. Чунки ҳозирги дарсликлар эски дастурларга мувофиқ тузилган-да. Шунинг учун қарорда республика комиссияси зиммасига 1999 йилнинг 1 августигача 1-9-синфлар учун мактаб дарсликларини тайёрлаш дастур-топшириқларини ишлаб чиқишни таъминлаш вазифаси ҳам юкланган.

Янги дастурларнинг услуби ҳам замон талабларига мос бўлиши шарт. Бу эса янги ўқитиш дастурлари ва услублари буйича ўқитувчилар тайёрлашни тақозо қилади. Бунинг учун педагогика институтлари ва университетлар дастурига махсус курслар ташкил этилади ва бу 1999-2000 ўқув йилидан талабалар тайёрлаш дастурига киритилади.

Умумий ўрта таълим дастур муаллифларидан янги куч, катта билим, масъулият талаб қилади. 1998 йилнинг 1 августигача таълим муассасаларини, умумий ўрта таълим раҳбар ходимларини ва педагог кадрларини даврий равишда аттестациядан ўтказиб туриш тартиби ишлаб чиқилади.

Қарор Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази зиммасига янги ўқув йили бошлангунига қадар 5-9-синфлар ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши вазифасини юклайди. 1998-1999 ўқув йили мобайнида 5-9-синфлар битирувчиларини якуний аттестациядан ўтказишнинг тест усулларини тажриба текширувидан ўтказиш ва уларни 1999-2000 ўқув йилидан эътиборан жорий қилиш лозим.

Мана, дейлик, тўққиз йиллик мактаб тугаяпти. Энди навбат — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига. Хўш, қайси ўқувчини лицейгаю қайси бирини коллежга жўнатамиз? Бунда болаларнинг қизиқиши, қобилияти ва билим даражаси инобатга олинади. Буни аниқлаш учун эса 1998 йилнинг 1 сентябрига қадар халқ таълими барча шаҳар ва туман бўлимлари ҳузурида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари ташкил этилади. Бу марказлар штатида кўпи билан 4 киши ишлайди. Марказ олти-етти ёшдан бошлаб болани мактабга қабул қилиш тўғрисида тавсиялар беради, ҳар йили муайян текшириш ўтказиб боради, таълим-тарбия жараёнида иштирок этиб, психологик-педагогик ёрдам кўрсатади, болаларнинг қайси соҳага мойиллигини аниқлашда кўмаклашади.

Қарорда шу нарса яна қатъий қилиб белгиланадики, ҳар йили 1 августга қадар умумий ўрта мактаблар ҳам кадрлар, ҳам моддий-дидактик материал, шунингдек, техникавий ахборот, моддий-техникавий воситалар билан таъминланиши жиҳатидан ўқув йилига тайёр туриши шарт.

Янги тизим тинимсиз равишда муаллимларнинг ўзини қайта тайёрлашни тақозо этиши турган гап. Шунинг учун умумий ўрта мактаблар ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш курслари ҳам очилади.

Шуни таъкидлаш керакки, умумий ўрта таълим Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»га мувофиқ равишда ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг ана шу 203-қарорига «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида Низом» ҳам илова қилинган.

Бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг таркибий қисми ҳисобланади ва у 1-4-синфларни ўз ичига олади. Бола биринчи синфга, қобилияти ва саломатлигига қараб, олти ё етти ёшдан қабул қилинади.

5-9-синфларда ўқиш даврида ўзлаштириш рейтинг буйича фақат аъло курсаткичларга эга булган битирувчиларга имтиёзли аттестат берилади.

Болаларнинг билими давлат таълим стандартига мувофиқлиги жиҳатидан назорат қилиб борилади. Назорат жорий (мунтазам), оралиқ (чораклик), босқичли (йиллик) ва якуний (мактаб тугаётганда) турларга булинади.

Умумий таълимнинг фан ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим, шунингдек, ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқада иш олиб боришига алоҳида эътибор берилади. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларни Ватан ва халққа содиқ фуқаролар қилиб шакллантириш учун эса мактабларнинг ота-оналар, оилалар, маҳаллалар, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлинмалари, бошқа жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан мустаҳкам ҳамкорлиги амалга оширилади.

Ўқувчи тўққиз йиллик таълим-тарбия мобайнида тинимсиз ҳаётга тайёргарлик кўриб бориши, келажагини қайси касб билан боғлашини аниқ билиб, белгилаб олиши шарт.

Бу эса боланинг мустақил шахс сифатида шаклланиши учун жуда зарур.

«Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарор фақат педагогика соҳаси мутахассисларигагина дахлдор ҳужжат эмас. У ота-оналар, болаларнинг ўзлари, таълим ва тарбияга бевосита ёки билвосита дахлдор барча давлат ва жамоат ташкилотлари демакки, кўпчиликни ана шу эзгу йўлдаги ислоҳотни биргалашиб амалга оширишга ундайди.

Чунки маърифий мамлакатда ҳеч ким бесавод қолмаслиги, бугина эмас, фуқароларнинг онг-шуури, касб-ҳунар малакаси жаҳоннинг энг юксак андозаларига тенглашиши керак.

Биз шунга муносиб халқмиз.

Султонмурод ОЛИМ

Fanimiz fidoyilari

НОМШУНОС ОЛИМ

Ўзбек тилшунослигида киши исмлари ва жой номлари анча мукаммал ўрганилган соҳалардир. Жой номларининг лисоний тадқиқи Қарши Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, профессор Тўра Нафасов номи ва фаолияти билан боғлиқ. У 60-йилларнинг ўртасида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари жой номларини ўрганишга киришган эди. Тиниб-тинчимас олим бир неча йил давомида Қашқадарё вилояти ҳудудидан 15 мингга яқин номлар тўплади. Уларнинг 4 мингдан зиёдроғини илмий, лисоний тадқиқ этиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола этди.

Жой номлари тарихнинг ўзидир. Бинобарин, қадимий номларда, туркона исмларда халқимизнинг ўтмиши, борлиққа муносабати акс этади. Шу боисдан номшунос тарихни, халқ ҳаётини ва Шарқ тилларини яхши билиши лозим. Бу сифатлар домлада жам, десак хато эмас.

Номлар — тил унсури. Аммо улар тилдаги оддий сўзлардан фарқ қилади. Халқнинг тарихи, маданияти, ҳаёт тарзи, маънавияти номларда акс этади. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Сирдарё, Асқартоғ каби номлар бир неча минг йиллик кечмишга эга. Шакли ўхшаш бўлса ҳам ўқув қуроли бўлмиш «китоб» калимаси билан туман номи Китоб бир сўз эмас. Зиддлик маъносидаги «қарши» лафзининг шаҳар номи Қарши сўзига даҳли йўқ. Номлар ўзига хос йўналишда, усул ва мақомда ўрганишни талаб қилади. Т. Нафасов ўзбек тил илмида жой номларининг табиатига хос бўлган тадқиқ усулларини ишлаб чиқди. Унинг «Жанубий Ўзбекистон топонимчисининг этнолингвистик анализи», «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати», «Қишлоғингиз нега шундай аталган?», «Ўзбек номномаси», «Ўзбекистон ономастикаси», «Ўзбекистон топонимикаси» номли тадқиқотлари жой номларининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган. Жой номларига оид 200 га яқин илмий мақолаларга домла муаллифдир.

Республика ва минтақавий анжуманларда бир неча марта маърузалар қилган домла Хельсинки ва Анқарада ўтказилган халқаро йиғинларда ўзбек, умумий туркий номшунослигининг тарихи ва ҳозирги ҳолати ҳақида чиқишлар қилди. Т. Нафасов ташаббуси билан 1989 йилда Қарши Давлат университетида номшунослик буйича Бутуниттифоқ анжумани ўтказилганди.

Профессор Т. Нафасов ёзган изоҳли луғат алоҳида таҳсинга лойиқ. Унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг қадимий ва ҳозирги жой (шаҳар, қишлоқ, маҳалла, дарё, кўл, ариқ, ҳовуз, тепа) номлари изоҳланган, аниқроғи, тадқиқ қилинган. Бу луғат тил илмининг бошқа тур луғатларидан тубдан фарқ қилади. мундарижаси, изоҳ тамойиллари, манбаси, шарҳланиши айрича.

Қиёслаш, ўхшатиш асосида таркибдош номлар қаторини аниқлаб, уларнинг бири ва барчаси ҳақида яратилган илмий баёнлар, хулосалар ҳам Тўра Нафасов ижодига мансуб. Бадахшон (Қамаши) туманидаги қишлоқ, Ардахшон, Зарафшон, Обахшон, Шержон, Навжон, Наманган, Андижон, Ваяган каби номлар бир хил лисоний унсурли эканлигини исботлади. Уларнинг сўнгги қисмидаги ўхшаш қисм оқар сув, дарё, жилға маъносидаги қадимий сўзлиги кўрсатилди. Қизтепа, Қизариқ, Қизбулоқ, Қизқўрғон, Учқиз, Қирққиз, Етимқиз каби номлардаги «қиз» сўзи қадимги туркий тилдаги қуз (тепа, баландлик, кичик чўққи) калимасининг ўзгарган шакли эканлигини илмий асослаб берди.

Профессор Т. Нафасов 35 йилдан бери Қарши Давлат университетида домлалик қилиб келаётир. Талаба ва домла учун дарслик, қўлланма, дастур зарур. Уларни ўзаро боғлаб, бириктириб турувчи воситаларидан бири ҳам шулар. Ана шу эҳтиёж учун Т. Нафасов бир неча қўлланма ва дастурлар ҳам яратди. «Лингвистик таҳлил» (1978, 1981), «Ҳозирги ўзбек адабий тилидан лаборатория машғулотлари» (1986), «Бадиий текстнинг лингвистик анализи» (1985), «Ўзбекистон топонимикаси» (1988) қўлланмалари ва дастурлари асосида филологик таълим ихтисосликларида дарслар ўтиб келинмоқда.

Жанубий Ўзбекистонни яхлит тадқиқ этиш мақсадида Қарши Давлат университети олимлари иқтисод, маданият ва маънавият, тарих, тил, адабиёт, жуғрофий фазилатлар, наботот олами, ер тузилиши, кимёвий хусусиятлари, ишлаб чиқариш каби соҳаларга шўнғиганлар. Ўзбек тилшунослиги кафедраси Т. Нафасов бошчилигида воҳа тили ва халқ ижодини тадқиқ этиш билан машғул. Гиламчилик ва суғориш лексикаси, халқ ўйинлари, куй ва жой номларини шогирдлари тадқиқ этмоқда.

Профессор Т. Нафасов нафақат мураббий, оила бошлиғи. Беш фарзандининг бири иқтисодчи, бири аспирант, бири ҳисобчи, бири талаба, бири ўқувчи.

Профессор Тўра Нафасов 60 ёшни қаршилаётир. Унинг кўнглида эзгу ниятлар мўл, уларнинг ижобат бўлишини тилаб қоламиз.

Назар ҲАКИМОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Tahlil

ФИКРЛАШ ВА РЕЙТИНГ

Совет тузуми ҳукмронлик даври бошқа жабҳалар каби ўқувчилар билими, билимлилик даражаси ва савиясига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаганди. Ўқувчиларга билим берувчи ўқитувчилар эса бир қолипга тушиб қолишганди. Хўш, бу қолип қанақа эди?

Аввало, ўқитувчи ўз вазифасини фақат билим беришдангина иборат, деб ҳисобларди. Не ажабки, шу соҳада илмий иш олиб бораётган илм соҳиблари — олимлар ҳам вилоят, шаҳар ва туманлар халқ таълими услубчилари ҳам худди шу мантиқда бир-бирларига монелик қилишмасди. «Ўқитувчи билим бериши керак ва нуқта» дейилган фикр мустақиллигимиз эпкини билан ўз йўналишини ўзгартирди.

Аввало, мактаб ўқитувчилари дарсликдаги мавзу ёки матнни тўтиқушдек такрорлаш масъулиятидан қутулдилар. Ҳар бир янги мавзу ҳаёт қўяётган реал — аниқ талаблар билан бойиди. Дарсликдаги мавзу ноанъанавий тарзда баён этилса, ўқувчилар мавзуни осонроқ ўзлаштириши аниқ бўлди.

— Ҳар бир дарсимни иложи борича ноанъанавий тарзда ўтишга ҳаракат қиламан, — дейди Боғишамол туманидаги 58-мактаб рус тили фани ўқитувчиси Б. Остонова, — ҳар бир дарсга мен билан бирга ўқувчиларнинг ўзлари ҳам тайёрланишади. Ўқувчиларни «кучи»га қараб уларни икки гуруҳга ажратаман. Икки гуруҳ бир-бирибозор тушунчалари, пул, пулнинг моҳияти ва зарурияти, товар айрибошлаш ва мулк каби терминлар келиб қўшилди.

Мактабни битираётган ёш йигит ёки қиз ҳар томонлама камол топиши, катта ҳаёт бусағасида довдираб қолмаслиги учун мактаб замон билан ҳамнафас бўлиши лозим. Юқорида қайд этилган терминлар билан, яъни ҳаёт — яшаш тушунчаси билан тўқнашганда шахдам одимлай оладиган жасур, мард бўлмоғи керак. Уни бунга, албатта, мактаб тайёрлайди. Ҳаёт ўқитувчининг зиммасига бундай мураккаб вазифани юклар экан, демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ўқитувчининг вазифаси энди билим беришдангина иборат эмас. Ана энди, ўқитувчилар ва ўқувчилар онгига рейтинг ибораси кириб келади.

Хўш, рейтинг ўзи нима?

Бу, аввало, беш балли тизимдан чиқиш дегани. Қолаверса, ўқитувчи ўз ўқувчисининг билиминигина эмас, унинг билими сифатини тарбиялилик савияси устидан назорат ўрнатиши, ҳар томонлама ўсиши ва ривожланишини кузатиши маҳсулини аниқлаш, назорат жабҳаларини белгилаш, баҳолар чегарасини ойдинлаштириш, ўқувчининг ижодкорлик ва берилган топшириққа ёндашиш маҳоратини баҳолаш, билимлилик даражаси ва бирор касбга йўналиши тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши ва буларнинг ҳаммасини жамлаб кўп балли тизимда баҳоланиши рейтинг усулининг яна бир кўринишидир.

Бу усул билан ҳам Боғишамол халқ таълими бўлимига қарашли 45-ўрта мактабнинг Л. Любутская, Е. Казакова, К. Шабанов сингари илғор ўқитувчилари, 8-ўрта мактабнинг А. Воҳидов, А. Ибодов, Д. Зиёева каби моҳир педагоглари, 30-ўрта мактабнинг Т. Волковадек таълим фидойилари анча вақтдан буён иш юритиб, юқори натижаларга эришдилар. Шуни таъкидлаш керакки, рейтинг тизими билан ишлаган ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида узаро яқинлик пайдо бўлди. Айниқса, ўқувчиларнинг билимлилик даражаси кескин ўзгариб уларнинг бошқа қобилиятлари намоён булиб, ижодкорлиги ўсди. Яна қувонарли томони шундаки, улар мустақил фикрлашга ургандилар. Ўз билими ва қобилиятига бўлган ишончлари ошди.

Маориф соҳасида бажарилаётган иш негизида баркамол инсонни тарбиялаш вазифаси ётади. Шундай экан, биз рейтинг тизимидан ҳар бир мактабда кенг кўламда ва самарали фойдаланишимиз зарурдир.

Рустам ТЕМУРОВ,
Боғишамол тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари



ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Шимолий Афғонистонда қутқарувчилар зилзила минтақаларида тупроқ остида қолган қудуқ ва булоқларни ердан тозалашни бошладилар. Дарёдаги сув эса гил билан аралашган ва ўта ифлосдир.

***

Покистон Бош вазири Навоз Шарифнинг айтишича, Покистоннинг ядровий қувватини исломий бомба деб таърифлаш нотўғридир.

***

Американинг кўп маротаба қўлланилувчи ДИСКАВРИ фазо кемасидаги фазогирлар Россиянинг «Мир» станциясини тарк этишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

***

Швейцариядаги Халқаро иқтисодий баҳслар буйича банкнинг хабарига кўра, Осиё давлатлари иқтисодий тангликнинг энг хавфли босқичидан ўтиб бўлдилар.

Лондон «ВВС» Ўзбек хизмати

Гаагадаги Халқаро ҳарбий трибуналнинг бошланган олтинчи судлов жараёни Босния-Герцаговина можароси вақтида содир этилган жиноятларга бағишланди.

***

Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб квартирасида наркотик моддалар муаммосига бағишланган йирик анжуман ўз ишини бошлайди.

Лондон, «ВВС» рус хизмати

РАСМЛАРДА ҲАЁТ МАДҲИ

Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Малик Набиев ўзбек диёрини, унинг бой тарихини ва буюк сиймолар образларини ўзига хос талқин эта олган истеъдодли мўйқаламлар соҳибларидан биридир. Яқинда Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университетида Малик Набиевнинг асарлари кўргазмасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда университет маънавий-маърифий ишлар буйича 1-проректори Анвар Юсупов иштирок этди. Йиғилишни университет «Этика-эстетика» кафедрасининг мудири Эркин Умаров очди.

Шундан сўнг рассом билан талабаларнинг самимий мулоқоти бўлиб ўтди. Мусаввир Амир Темур сиймосининг яратилиши ҳақида талабалардан тушган саволга жавоб берар экан, жумладан шундай деди:

— Соҳибқирон Амир Темур сиймосини яратишда мен боболар руҳидан мадад сурайман. Бошига тож кийган Темурнинг нигоҳи бир нуқтага қаратилганлигидан, улуғвор фикр билан бандлигини дилдан ҳис этасиз. Рассом ниҳоятда синчков, нозик дид эгаси эканлиги унинг барча асарларида ҳам яққол кўзга ташланади. «Баҳор келди», «Халқ деҳқони», этюд «Чўлпон» портрети асарларида ҳам рассом ранг тасвирдан фойдаланиш жараёнида ўз маҳоратидан яхши фойдаланган. Малик Набиев ўзбеклар тарихини ниҳоятда чуқур англаган мусаввирлардандир, шу боис у Абдулла Қодирий, Шайхзода, Файзулла Хўжаев, Аҳмад-ал Фарғоний каби қатор буюк алломалар портретларини яратди. Рассом бу асарлари орқали ўзбекларнинг миллий қадриятлари, юксак руҳи, ахлоқий ва маънавий сифатларини кўз-кўз қилади. Ҳар бир асарни чизиш олдидан фалсафий тафаккур юритади, ранглардан қандай фойдаланиш кераклигини англайди.

Кўргазмалар зали талабалар ва томошабинлар билан гавжум бўлиб турди. Бундай тадбирлар университетда кўплаб ўтказилиб турилади, талабалар рассом асарларини томоша қилишиб ўзларига маънавий қувват олишди. Дарсдан сўнг мана шундай тарбиявий аҳамиятга эга булган тадбирларнинг ўтказилиши талабаларнинг билим олишлари учун янада қўшимча имкониятларнинг очилишидир.

З. АЛҚАРОВА

«Yil tarbiyachisi»

БОЛАЛИК ОРЗУСИ

Болалик чоғларимни завқ-шавқ билан эслайману, яна ўша дамларга қайтиб, қайтадан кичик бўлиб қолгим келади. Онажоним турли-туман матолар қийқимидан каттакичик қўғирчоқлар тикиб берар, менга эса ўша қўғирчоқлар учун оддий кўйлакчалар, фартукчалар тикиш, игна ушлаш, матоларни бир-бирига улашни узоқ вақт эринмай ўргатардилар. Мен онажоним бажараётган уй-рўзғор юмушларида кўмаклашишни, ҳар бир ишни улар сингари бажаришни истардим. Дугоналарим билан «хола-хола», «мактаб-мактаб» ўйнаганда худди онам сингари билганларимни ўргатардим. Катталардан «Онадан яхши тарбия олган қиз яхши тарбиячи бўлиб чиқади», деган гапларни бот-бот эшитиб қолардим. Ўзимни онадан яхши тарбия олган қиз ҳисоблаганим боис, тарбиячи бўлишни орзу қилардим ва мақсадимга эришдим. Эзгу ниятим — мустақил, келажаги буюк давлатга ҳар томонлама билимдон, ватанпарвар, халқпарвар, соғлом инсонларни тарбиялаш. *Бу «Йил тарбиячиси» вилоят кўрик-танлови ғолиби Хурсаной Азимованинг дил сўзлари.*

Хурсаной Норин туманидаги 10-«Булбулча» мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасасида 13 йиллан буён мураббийлик қилаётир. У Наманган педагогика институтининг педагогика-психология бўлимида таҳсил олган.

Х. Азимова машғулотларни ноанъанавий усулда, ўйин тарзида олиб боради. Хонада «Моҳир қўллар», «Экология» бурчаклари мавжуд. Дилбандларга турли ўйинчоқлар ясаш, бичиш-тикиш, пазандаликнинг бошланғич сирларини ўргатади. Иқтисодий билимларни ўргатиш борасида боғчада ташкил этилган кичик корхона ва ёрдамчи хўжалик ишлари унга қўл келаётир. Боғчада «Эртаклар шаҳарчаси» мавжуд бўлиб, унда болалар эртак қаҳрамонлари билан учрашадилар, узлари ҳам турли-туман эртаклар тўқиб, бир-бирларига айтиб берадилар. Навоий, Увайсий, Зебунисо, Амир Темур каби фахрларимиз бўлган бобо ва момоларимиз ҳақида дастлабки тушунчаларга эга бўладилар. Экологик тарбия борасида ҳар бир туп гиёҳни асраб-авайлаш, меваларнинг, дов-дарахтларнинг инсонга фойдаси тушунтирилади. Кучатларни экиш, парваришлаш, йиғиб-териб олиш тўғрисида маълумот беради.

Хурсаной Азимова педагоглар ўртасида ўтказилаётган «Ким чиройли кўргазма тайёрлайди?», «Борлиқ менинг нигоҳимда», «Миллий бурчак қандай безалади?» сингари кўрик-танловларда фаол иштирок этаётир.

Дилфуза ОРТИҚОВА

ҚИЗЛАРГА ЯРАШГАН ҲУНАР

Faxr

Мактабимизда «Жажжи зардўз» тўгараги ташкил қилганимизга ҳали кўп булгани йўқ. Мактабимиз директори Барно Ҳамроев ташаббуси билан дастлаб кашта ва зардўзлик хом ашёлари сотиб олиш мақсадида мактаб ёрдамчи хўжалигидан 2500сўм пул ажратилган эди. Тез орада «Жажжи зардўз» ўзини оқлаб, мактабга фойда келтираётган пазандачилик, тикиш-бичиш ва ёғоч уймакорлиги тўгараклари сафидан ўрин олди ва мактабга фойда келтира бошлади.

Ҳозирги кунда 33нафар ўқувчи-шогирдларим булиб, улардан Нафиса Жабборова, Интизор Раҳимова, Гулчеҳра Йўлдошова, Махсура Тўлаева, Раъноой Файзуллаеваларни фахр билан тилга олиб ўтгим келади. Ўқувчи-шогирдларим каштанинг 700 дан зиёд тури ва зардўзликнинг икки тури (гулдўзи, заминдўзи) билан танишиб, имкон қадар кўпроқ амалий ишлашга ҳаракат қилишмоқда. Уйлайманки, улардан келгусида ўз хонадонига, элу юртга фойда келтирадиган ажойиб зардўзлар етишиб чиқади.

Гулнора САИДОВА,
Навоий туманидаги 9-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

ТАЖРИБАЛИ МУАЛЛИМЛАР ИШИ ОММАЛАШТИРИЛАДИ

«Yil o'qituvchisi»

Яқинда Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги Й. Охунбобоев номли мактабда «Йил ўқитувчиси-98» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Якуний натижаларга кўра, Косон туманидаги Б. Ниёзов номидаги мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси Шоҳиста Хонкелдиева мутлақ ғолиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса, Шаҳрисабз туманидаги 1-лицей интернат-мактабининг физика муаллими Жамолиддин Шодиқулов ҳамда Касби туманидаги 1-лицей-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси Феруза-хон Авизовалар эгаллашди.

Танлов якунланиши биланоқ махсус мухбиримиз кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъатининг раиси, Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жомурод Жиловов билан суҳбатлашди.

Якуний натижаларга нега рухсат бермадингизлар?

— Сирасини айтганда, хонадаги ортиқча тиқилинчлик ҳолати, бунинг оқибатидаги нотинчлик танлов иштирокчиси бўлган муаллимнинг кўнгилдагидек дарс ўтишига халақит қилади...

Танловда туман, вилоят ва республика миқёсида фаолият кўрсатаётган анчагина журналистлар иштирок этишди. Қисқаси, уларга ўзларини қизиқтирган кераклі ахборотларни олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

— Домла, «Йил ўқитувчиси-98» кўрик-танловида шахсан сизга маъқул бўлган ижодкорона ишлар учрадими?..

— Нимасини айтасиз. Бундай ишлар анчагина. Умуман, ҳар бир иштирокчида нимадир бир янгилик бор десам, асло хато қилган бўлмайман... Рости, Мустақиллик ўқитувчиларимиз фаолиятида жиддий ижобий бурилишлар ясади... Айниқса, менда танловнинг «Иккинчи истеъдодни аниқлаш» деб номланган босқичи жараёнида ўқитувчиларимиз томонидан ижод қилинган бичиш-тикиш ва миллий зардўзлик ишлари, ясалган турли-туман асбоб-ускуналар зўр қизиқиш уйғотди. Шу хусусда бир мисол. Деҳқонобод туманидаги 85-мактабнинг кимё фани муаллимаси Зебохон Шодиева томонидан «Фанта», «Кока-Кола» идишларидан ясалган кимё лабораторияси асбоб-ускуналари ҳаммани лол қолдирди... Умуман бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биз бу ишларнинг барчасини вилоятимиз мактабларида оммалаштирамиз.

Абдували ОБИДДИНОВ
суҳбатлашди

Qutlaymiz

КАМОЛОТ ЙЎЛЛАРИ

Умрни оқар дарёга ўхшатамиз. Ҳа, вақт жиловини тутиб бўлмайди. Бундан роса 33 йил бурун Аҳмаджон Долимовни Халқ таълими вазирлигининг «Русский язык в узбекской школе» журналига ишга келган кундан бошлаб яхши биламан.

Аҳмаджон Долимов журналга келишдан олдин Сирдарё вилоятининг Пахтаорол ва Тошкент вилоятининг ҳозирги Зангиота тумани мактабларида икки йил рус тили ва адабиётидан дарс берди. Мактабда орттирган тажриба методик журналда жуда қўл келди. Илғор ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш, назариётчи олимлар ва амалиётчи педагоглар билан мустаҳкам алоқа натижасида қўплаб мақолалар ёзди. Оддий адабий ходимдан бўлим мудири ва бош муҳаррир даражасигача катта йўлини босиб ўтди. Журналга узоқ йиллар раҳбарлик қилган В. Ш. Мирочникдан кўп нарса ўрганди.

Ўз касбига меҳр-ихлос қўйган киши асло кам бўлмаслигини Аҳмаджон Долимов мисолида яққол кўриш мумкин. Тинимсиз ижод, изланиш натижасида қанчадан-қанча кишиларнинг ҳожатини чиқарди. Республикамиз мустақил бўлгунга қадар барча диссертациялар ва автореферетлар рус тилида ёзилиши шарт эди. Аҳмаджон Долимов кўплаб кандидатлик ва докторлик диссертацияларини рус тилига ўгириб берганини илмий ходимлар яхши эслашади.

Журналдаги бевосита ишидан ташқари у мактаблар учун ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратди. Жумладан, ўзбек мактабларининг IV синфлари учун ёзилган «Русский язык» дарслиги бир неча бор нашр этилди. Бундан ташқари унинг рус ва ўзбек тилшунос олимларидан академик Отақўзи Азизов ва самарқандлик профессор Назар Ражабов ҳақидаги библиографик очерклари ва бошқа ўнга яқин рисолалари чоп этилди.

Меҳнаткаш ва камтарин инсон Аҳмаджон Долимов биз меҳнат қилаётган «Ўқитувчилар газетаси» («Маърифат») — «Учитель Узбекистана» газетасига (1988 йил 2 январь) бош муҳаррир этиб тайинланган кунни яхши эслайман.

Икки ойда бир марта чиқадиган журнал муҳаррири бир йўла иккита газетага раҳбарлик қилишда дастлаб анча қийналгани сезилди. Лекин бирор марта нолиганини эшитмадик. Ўзбек тилида ҳафтасига уч марта чиқадиган «Ўқитувчилар газетаси», рус тилида ҳафтасига икки марта чиқадиган «Учитель Узбекистана» газетаси материалларини таҳрир қилиш, саҳифаланаётганда ўқиб чиқиш катта куч ва ирода талаб этишини газетачиликдан хабардор кишилар яхши тасаввур этишади.

Аҳмаджон Долимов газетага раҳбар этиб тайинланганидан сўнг бир жамоа сифатида фаолият кўрсатаётган иккита таҳририят ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилашга, ижодий фаолликни оширишга эришди.

Матбуот фидойиларни ёқтиради. Турли сабабу баҳоналарга кўра тонготаргача навбатчилик қилиш, саҳифа ўқишга тўғри келарди. Шунда ҳам нолимасдик. Муҳаррир бунда ҳам ўзи ўрнак кўрсатарди.

Аҳмаджон Долимов газета муштарийлари билан учрашувлар уюштиришга алоҳида эътибор берарди. Республика вилоятларида, туманларда, ҳатто қўшни республикаларда, малака ошириш институтларида газетхонлар конференциялари ўтказишда бевосита қатнашарди.

1991 йилнинг июль ойида «Ўқитувчилар газетаси»нинг 60 йиллик юбилейи нишонланди. Юбилей муносабати билан кўп йиллар самарали хизмат қилган бир гуруҳ ходимларга давлат фахрий унвонлари, ҳукумат фахрий ёрлиқлари, Халқ таълими вазирлиги мукофотлари берилди. Бу хайрли ишда унинг одамларга ғамхўрлиги яққол намоён бўлди.

Беш йил иккита газетага раҳбарлик қилишда ўзининг чин инсоний ҳислатларини кўрсатган Аҳмаджон Долимов республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг бир йил ўтгач, алоҳида ажралиб чиққан «Учитель Узбекистана» газетаси бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатиб келаётир.

Газета таҳририяти жамоаси халқ таълимининг долзарб муаммоларини баҳоли қудрат ёритишга ҳаракат қилмоқда.

Аҳмаджон Долимовни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида матбуот уйи биноси фойесида учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик:

— Отақўзи ака келгандилар. Ҳовлига кузатиб чиқдим, — деди.

Ҳа, унда одамохунлик, катталарга ҳурмат, камтаринлик азалий одат.

Узбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, ўз касбининг фидойиси, камтарликда камол топган қаламкаш дўстимиз, ҳамкасбимиз Аҳмаджон Долимовни муборак 60 ёши билан қутлаб, ижодига ривож, оилавий бахт, азиз фарзандлари, суюкли неваралари даврасида узоқ йиллар соғ-саломат яшашини тилаб қоламан.

Гафур МАННОПОВ,
республикада хизмат кўрсатган журналист

МАКТАБНИНГ ДУТОРЧИ ҚИЗЛАРИ

Сўзингда ташбеҳлар таратади нур,
Жонланиб тасаввур ўй сураман жим.
Бир йирик томчига ўхшайди танбур,
Унда самоларда йиғлаётган ким?

...Шоирнинг деганларида ҳам ботиний, ҳам зоҳирий мутаносиблик бор. Ростдан, танбур ҳам, дутор ҳам узун томчига — кўз ёшига ўхшайди. Ким билсин, эҳтимол, шунинг учун ҳам у кўнгилни тушунар, кўнгилга таскин изҳор этар. Нима бўлганда ҳам инсонга ўзга мавжудотлардан айрича яна битта олий неъмат — мусиқа ато этилган.

Мусиқа — кўнгил таржимони. Фақат сиз унинг «таржимасини» тушуна олсангиз, бас. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 179-ўрта мактабда турли синфлардан саралаб олинган «Дуторчи қизлар» тўгараги бор. Мана, уч йилдирки, гуруҳ аъзолари туман миқиёсида ўтказилиб келинаётган турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келяпти. Тўгаракка бугун мактабнинг йигирмага яқин ўқувчи қизлари қатнашадилар. Гурух раҳбари кўпчиликнинг севган устози Саиджон Кадабоев ёш дуторчи қизларга мусиқанинг ҳамма ҳам илғайвермайдиган жиҳатларидан сабоқ беради.

Тўгарак аъзолари яқинда туман бўйича ўтказилган «Илҳом чашмалари» кўрик-танловида фахрли ўринлардан бирини эгалладилар. Биз тўгарак раҳбаридан бундай бадиий жамоанинг пайдо бўлиш эҳтиёжи хусусида сўраганимизда «...биз бу хил юмушларни елкамиздаги вазифамиз деб биламиз. Шунинг учун бу ишларимиз гарчи ютуқли бўлсада, мақтаниб гапира олмаймиз» деган камтарона жавобларини олдик.

Ҳа, хайрли ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Аслида ўйлаб кўрсангиз, бизнинг ҳозирги ёзаётган тафсилотларимиз ҳам кўпчиликка ибрат бўлсин учун эмас. Чунки бугун нимадир қилиш керак. Бугун ҳаракатланиш, жўшиш замони. Биз бу ерда бошқа бир вазиятни баҳоламоқчимиз. Асли мактабда шундай бир ўзига хос фикрнинг ва унинг ижросининг майдонга келиши аҳамиятли.

Эшитинг... Титраниб бир наво оқаяпти. Қалбингиз софликка чўмилаяптими? Унда келинг, кўнгилни ювинг. Шундагина эртамиз ҳам, умидларимиз ҳам соф бўлади.

Алишер НАЗАР

Taqriz

БИР КИТОБДА МИНГ ҲИКМАТ

Халқ донишмандларининг ноёб фикрлари сараланиб «Машриқзамин — ҳикмат бўстони» номли китоб шаклига келтирилди. Бунда Ҳамиджон Ҳомидов ва Маҳмуд Ҳасаний ҳамда ушбу китобнинг масъул муҳаррири Ғайбулло Ас-Саломларнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Мен «Машриқзамин — ҳикмат бўстони» китобини ўқиб чиқиб, унда берилган насиҳатлар, ҳикматли иборалар, ривоятлар ёш авлодни тарбиялашда катта мактаб эканини англадим.

Китобда берилган доно фикрларнинг муаллифлари шунча кўпки, уларни топиб ўқиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Бунда фикрлар тўпланиб, гуруҳларга, мавзуларга ажратилиб берилган. Шу сабабдан ўқувчи ва ўқитувчиларга тайёр дастак бўлган бу асарнинг аҳамияти каттадир.

Китобда инсонни камолотга етказувчи фазилатлар: илм, одоб, китоб, устоз, касб-ҳунар, ота-она, оила, дўст, халқ, ватан, мардлик, хушхулқлилик, яхшилик ва ёмонлик, сўз одоби, ишқ-муҳаббат, сабр ва иззат кабилар қатори, инсонни тубанликка судровчи — такаббурлик, бахиллик, ғийбат сингари салбий жиҳатлар ҳақида ҳам фикрлар берилган.

Муаллифлар узоқ меҳнат қилиб, ана шундай дурдоналарни тўплаганлар, тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг луғатини ҳам берганлар.

Китобнинг яна бир яхши томони — доно фикрларнинг муаллифлари ҳақида ҳам маълумот берилганлигидадир.

«Машриқзамин — ҳикмат бўстони» китоби ҳар бир хонадонда турадиган, кундалик муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган зарур манбадир. Чунки унда Арасту, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Юсуф Хос Ҳожиб ва Хўжа Аҳмад Яссавийлар, шунингдек, XX асргача етиб келган халқ донишмандлиги намоён бўлади.

Голима МУСИНА,
филология фанлари доктори, профессор

Ajdodlarimiz merosini o'rganamiz

«АЛ-КАШШОФ» — БУЮК КАШФИЁТ

Маҳмуд аз-Замахшарий милодий 1075 йилда Хоразмнинг Замахшар қишлоғида дунёга келган ва шу боис аз-Замахшарий тахаллусини олган. Ушбу аллома ҳақидаги маълумотлар асосан ўрта аср тарихий манбаларида келтирилган.

Аз-Замахшарий ижодининг чўққиси ва илм-фан оламида алоҳида ўрин эгаллаган «Ал-Кашшоф» асари Қуръонга атаб ёзилган машҳур тафсирдир. Ушбу асарнинг тўлиқ номи «Ал-Кашшоф ан ҳақиқат танзил ва уйунил - аковил фи вужухит — таъвил» — Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очишдир. Бу асар аз-Замахшарийнинг ўзига ҳам манзур бўлиб, у ҳақда бундай деган:

Чиндан ҳам дунёда тафсирлар беҳад кўпдир,
Бироқ улар орасида «Ал-Кашшоф» кабиси йўқдир.
Агар ҳидоят истасанг, «Ал-Кашшоф»ни такрор ўқи,
Нодонлик бир касал бўлса, «Ал-Кашшоф» унга даводир.

Муқаддас Қуръон китоби VII асрнинг биринчи ярмида нозил бўлган, у ўша давр классик араб тилига хос мураккаб услуб ва тилда насрий сажъ шаклида ёзилганлиги ҳамда мазмун ифодасининг чуқур ҳамда кенг қамровлиги туфайли унга тафсир ёки шарҳ ёзилишига зарурат туғилган. Ўша пайтда Қуръонга бағишланган тафсирлар жуда кўп бўлган. Замахшарий аввал ўша тафсирларнинг бир қанчасини қунт билан ўрганиб чиқиб, ўз асарида улардан унумли фойдаланган. Бунинг натижасида мукаммал, ажойиб бир тафсир - «Ал-Кашшоф» вужудга келди. Айтиб ўтиш зарурки, аз-Замахшарий ўз тафсирини яратишда ҳар хил сабабларга кўра кейинги авлодга етиб келмаган ўша вақтда машҳур бўлган тафсир, ҳадис, фиқҳ, илму қироат, нахву — сарф (грамматика), адаб ва бошқа илмларга оид кўплаб манбалардан унумли фойдаланган. Айниқса, асарда Қуръони каримнинг филологик таҳлилига катта эътибор берилган.

«Ал-Кашшоф» асарининг машҳурлиги, унга ёзилган ҳошия ва қўлёзмаларнинг кўплигида ҳам намоён бўлади. Бу асарнинг аз-Замахшарий ўз қўли билан ёзган нусхаси (1134 милодий йил) Теҳрон кутубхонасида сақланади. Асли Маҳмуд аз-Замахшарий «муътазилия» оқимига мансуб бўлсада, унинг бу асари ислом таълимотида кенг қўлланилади. Шу жумладан, Қоҳирадаги «Ал-Азҳар» университетининг талабалари ҳам «Ал-Кашшоф» асари асосида Қуръонни ўрганадилар. Асар турли шаҳарларда нашр қилинган. Тошкентлик ҳаттот Ибн Аҳмад Жамшид Шошийнинг 1358 йили кўчирган нусхаси Ўзбекистон фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Юқорида зикр этилган аз-Замахшарийнинг ҳаётига қайтсак, у Маккада илмий фаолиятини тугатгач, яна Ватанини қўмсаб, бу ерни тарк этади ва Бағдод шаҳрида тўхтайди. У ерда илмнинг турли соҳалари бўйича алломалар билан суҳбатлар ўтказади. Бир қанча вақт ўтгач, Хоразмга қайтиб келиб кўп йиллар яшаб, ижод қилади ва милодий 1143 йилда Журжоний (ҳозирги Урганч) шаҳрида вафот этади.

Маҳмуд аз-Замахшарий аввал таъкидлаганимиздек, ўз илмий фаолиятида араб тили ва адабиётига чуқур ҳурмат билан қараган, ўз асарларини фақат араб тилида ёзган. Уларнинг сони 50 дан ортиқ. Арабларнинг ҳайратланиб айтишича, **«араблар қурол билан Мовароуннаҳрни ололмадилар, аммо мовароуннаҳрлик аз-Замахшарий таёқ билан араб дунёсини забт этди».** Республикамизда аз-Замахшарий асарлари ҳали деярли ўрганилмаган. Шу сабабдан буюк мутафаккиримиз аз-Замахшарийнинг асарларини мукаммал ўрганиб, она тилимизга таржима қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Азизхон ҲАКИМОВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти аспиранти

Maktab kutubxonasiga

«ОДОБНОМА» 200 МИНГ НУСХАДА

«Одобнома» нинг 5-синфлар учун мўлжалланган дарслик-ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди. Китобча янги имлода чоп этилгани билан аҳамиятлидир.

Халқимизнинг азалий урф-одатлари ва қадриятларидан ҳикоя қилувчи бу дарслик бизнингча, ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам маъқул келади. Шарқ алломалари ва донишмандларининг панд-насиҳатлари, халқ оғзаки ижоди намуналари — ҳикоят, ривоят, эртак ҳамда ҳикматлар ранг-баранг мавзуларнинг мағзига сингдирилган.

Муаллифлар Ойша Тўраева, Машкура Туроповалар эътироф этишганидек, ўзбек халқининг ўз тарихи, маданияти, адабиёти, санъати бор. Инсонларни эзгуликка, меҳр-оқибатга, раҳм-шафқатга, ор-номусли бўлишга, сабр-қаноатга, поклик, ҳалолликка, вафо-садоқатга, иймон-эътиқодга ўргатиб келган қадриятларини ҳар қанча кўкка кўтарсак оз. Ҳар қандай урф-одат ва анъаналаримиз негизида тарбия деган улуғ тушунча ётади. Мазкур китобчада муаллифлар инсон ўзининг хуш табиати, ширин муомаласи билан одамлар қалбидан жой олиши мумкинлигини ҳаётий мисоллар билан баён қилиб беришган.

Дарсликда ота-онани ҳурмат қилиш, ака-ука, опа-сингиллар муносабати, устоз мураббийга ҳурмат чексиз бўлиши лозимлиги уқтирилган. Дастурхон теграсида ўтириш одоби лутф ила тасвирланган.

1998 йил Оилага, демакки, фарзандлар тарбиясига ҳам бағишланди. Шу маънода мазкур дарслик ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда жуда асқотади. 200 минг нусхада чоп этилган бу дарслик қўлланма янги ўқув йилига қадар ўз эгаларига етиб боради, деб умид қиламиз.

Муҳаммаджон ЗАРИПОВ,
Турсунбой СУЛТОНОВ,
фалсафа фанлари номзодлари

Maktabgacha tarbiya

МУСИҚА СЕҲРИ

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти мактабгача тарбия бўлими ташаббуси билан Яккасарой туманидаги 100-болалар боғчасида «Болаларнинг эстетик камол топишида таълимнинг миллий йўналтирилганлигини, ноанъанавий иш кўринишлари орқали ўргатишнинг шакл ва услублари» мавзуида шаҳар семинари бўлди. Семинар Юнусобод туманидаги 554-болалар боғчаси кичкинтойлари иштирокида (мусиқа раҳбари Д. Йўлдошева) «Ўзбекистон — Ватаним маним» машғулотини намойиш этиш билан бошланди.

Яккасарой туманидаги 358-болалар боғчасининг катта гуруҳи русийзабон тарбияланувчилари (мусиқа раҳбари Г. Азарова) «Пашша-пашшахон» ноанъанавий машғулотларида «Жажжи қўғирчоқ» қўшиғини чиройли қуйладилар, ўзбекча куйга ҳиром айладилар. 300-болалар боғчасининг дилбандлари инглиз тилида Тулки, Тўти, Майимун, Айиқ тимсолида дўстликни улуғловчи шеърлар айтдилар.

«Миллий либослар кўргазмасига саёҳат»да Яккасарой туман болалар боғчалари (6, 103, 349, 300)нинг тўгарак ишлари намойиш қилинди. Ҳаваскор жажжи раққосалар хоразмча, бухороча, ҳинд ҳамда турк миллий либосларида ҳар бир халқ ва элатларнинг ўзига хос рақсларини ижро этишди.

Кенгашнинг назарий қисмида «Болаларнинг эстетик камол топишида таълимнинг миллий йўналтирилганлигини ноанъанавий иш кўринишлари орқали ўргатишнинг шакл ва услублари» мавзусида дастур муаллифлари Анвар Левиев ҳамда Мавлуда Икромовалар билан давра суҳбати бўлди.

— Болалар мусиқа асбобларини ташкил этиш ғояси пайдо бўлиши билан, — деди А. Левиев, — унинг методикаси ишлаб чиқилди. Тажриба ўтказиш учун шароит яратилди. Бунга 217-болалар боғчаси мудираси ва мусиқа раҳбари яқиндан ёрдам бераётир. Тарбияда мусиқанинг роли беқиёсдир, айниқса, у нота асосида бўлса. Нота орқали бутун халқ мусиқасини билиш-англаш мумкин. Ўйин орқали мусиқа асбобларини ўргатамиз. 1996 йилда нотани тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларига ўргатган эдик. Бу йил эса катта гуруҳдагиларга ўргатмоқдамиз.

Семинарда ТШХТББ мактабгача тарбия бўлими, ШУМОИ мактабгача тарбия бўлими мутасадди ходимлари, туман ХТБлари услубчилари, боғчаларнинг мудиралари, мусиқа раҳбарлари иштирок этдилар.

Шаҳар болалар боғчаларида таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда миллий йўналтирилган турли-туман шакл ва услублардан фойдаланишга бағишланган семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Д. ХЎЖАЕВА

Bolalar bog'chalarida

КЕЛАЖАГИМИЗ ҒУНЧАЛАРИ

Шайхонтоҳур туманидаги 468-ясли-боғча пойтахтдаги илғор, намунали таълим-тарбия масканларидан ҳисобланади. Боғчада иккита илк ёшдаги ва ўнта боғча гуруҳи мавжуд бўлиб, уларда 310 нафар жажжи ширинтой тарбияланмоқда. Боғчадаги таълим-тарбия ишлари экологик тарбия бўйича йўналтирилган.

Катта тарбиячи Лобар Муҳамедова мураббийлар билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга ошириш борасида тузилган режаларни амалга ошириш юзасидан суҳбатлар ўтказаётир. Келажагимиз ворислари бўлмиш дилбандларга боғча ёшиданоқ эътиборни кучайтириш, уларнинг мантиқий фикрлаш, эътибор билан кузатиш қобилиятлари ҳамда ижодий тасаввурларини ривожлантириш, нутқини ўстиришга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини уқтирмоқда.

Тайёрлов гуруҳларидаги 80 нафар тарбияланувчига ўқиш, ҳисоб ўргатилаяпти. Улар инглиз тили, рус тили, илк иқтисодий таълим, экологик тарбия сингари машғулотларда фаол иштирок этаётирлар.

— Тарбия учоғимизда, — дейди боғча мудираси Гавҳар Юсупова, — тажрибали, болалар қалбига йўл топа оладиган, айни чоғда улар билан ўз фарзанди сингари муносабатда буладиган, изланувчи мураббийлар талайгина. Мукаррам Муҳсимова, Зуҳра Мирсоатова, Маъруфа Носирова, Маъмура Тошхўжаева сингари фидойи тарбиячилардан ота-оналар беҳад мамнундир.

Кичкинтойлар масканида 1984 йилдан буён «Орзу» дастаси фаолият кўрсатмоқда. Дастага Гавҳар Юсупова раҳбарлик қилмоқда. Рақсларни эса мусиқа раҳбари Дилноза Шарипова ўргатаяпти. Дастада 25 нафар гулғунчалар иштирок этади. Улар шаҳар, туман, маҳаллаларда ўтказиладиган турли тадбирларда ҳозиру нозирдирлар. Шунингдек, қариялар ва ногиронлар уйларида ҳам бўлиб турадилар. У ерда узларининг қувноқ ва шўх қўшиқ ҳамда рақслари билан шинавандалар дилларини хушнуд этиб, кўнгилларини кутармоқдалар.

Келажаги буюк давлатимизнинг яратувчиларини вояга етказаётган боғча жамоаси ҳамда «Орзу» дастасининг орзуларига янада парвоз тилаймиз.

Дилбар ХЎЖАЕВА

СУРАТЛАРДА: «Орзу» дастаси байрам шодиёнасига ҳозирланмоқда. Катта тарбиячи Лобар Муҳамедова тарбиячилар билан галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

Sport

ЖАҲОН НИГОҲИ ФРАНЦИЯДА

Бу юртнинг Париж, Марсель, Тулуза, Ленс, Бордо, Монпелье, Лион, Нант, Сен-Дени ва Сент-Этьен шаҳарларида бугун футбол бўйича асримизнинг сўнгги 16-жаҳон чемпионати бошланмоқда. Бутун дунё нигоҳи қаратилган бу биринчиликда 32 мамлакатнинг энг кучли терма жамоалари қатнашаяпти. Бугундан эътиборан газетамизнинг «Sport maydonchasi»да чемпионат кундалиги, ўйинлар натижалари ҳамда қизиқарли воқеалар берилиб борилади. Бугун эса илк учрашувлар Бразилия — Шотландия, Марокаш — Норвегия жамоалари ўртасида бўлиб ўтади. Галдаги катакчаларда 8 та гуруҳ — чемпионатнинг биринчи босқичида қатнашаётган мамлакатлар терма жамоалари билан танишасиз.

FRANCE 98

БУГУН ФРАНЦИЯДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ХХ АСРНИНГ ЭНГ ОХИРГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНАДИ!

«А» ГУРУҲИ	«В» ГУРУҲИ
Бразилия	Италия
Шотландия	Чили
Норвегия	Камерун
Марокаш	Австрия

«С» ГУРУҲИ	«Д» ГУРУҲИ
Франция	Испания
Жанубий Африка	Нигерия
Саудия Арабистони	Парагвай
Дания	Болгария

«Е» ГУРУҲИ	«F» ГУРУҲИ
Голландия	Германия
Бельгия	АҚШ
Жанубий Корея	Югославия
Мексика	Эрон

«G» ГУРУҲИ	«Н» ГУРУҲИ
Руминия	Аргентина
Англия	Хорватия
Колумбия	Япония
Тунис	Ямайка

maydonchasi

АВВАЛГИЛАРДАН ҲАМ ЮКСАКРОҚ

1—7 июнь кунлари Тошкент шаҳрининг «Динамо» теннис кортларида аёллар ўртасида «Челленжер» мусобақаси бўлиб ўтди. Пойтахт кортлари бу мусобақага учинчи бор мезбонлик қилишди.

Мусобақага ташриф буюрган кўплаб меҳмонлар, иштирокчилар бу йилги турнир янада юқори саъвияда утаётганлигини, мукофот миқдорининг ошганлигини эътироф қилишди, ҳамда унга пухта хозирлик кўришганликлари учун турнир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдиришди. Бу эса республикамизда спортнинг бу тури йил сайин ривож топаётганлигидан дарак беради.

Дунёнинг 29 давлатидан келишган маҳоратли теннисчилар иштирокидаги қизғин беллашувлар мухлисларга мароқ улашди. Улар спортчиларнинг нафосатидан, маҳоратидан, латофатидан завқ олишди.

Бир хафта давом этган бу спорт байрамининг ҳал қилувчи палласи ҳақиқий маҳоратлар синовига айланди. Ва ниҳоят австриялик Патрисия Вартуш турнирнинг бош совринини қўлга киритди. У финалда исроиллик Цинора Общилерни (6/3, 6/3) мағлуб этди. Жуфтликлар финали эса, Мазотта (Цулиагта-Шаэрер) Вавринес — 6/2, 6/1 хисобида тугади.

Мусобақа сўнгида унинг ёпилишига бағишланган тантанали маросимда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов, Узбекистон теннис федерациясининг президенти Р. Иноятов, турнир асосчиси, швейцариялик С. Какшурилар иштирок этишди.

Ғолиб ва совриндорларга тантанали вазиятда мукофотлар топширилди.

Р. БОЙМАТОВ

Sport

ҲАЯЖОНГА ТЎЛА БАЙРАМ

Тошкент молия институтида бўлиб ўтган спорт байрамини институт ректори, академик М. Шарифхўжаев очиб, спортчи талабаларнинг бу ўқув йилида эришган натижалари мақтовга лойиқ эканлигини таъкидлаб, бугунги спорт байрамида уларнинг муваффақиятли қатнашишига омад тилаб, институт шарафини мусобақаларда яхши натижалар билан ҳимоя қилган талабаларни пул мукофотлари билан тақдирланганлигини, ҳар бир эришилган ютуқ ҳеч қачон беэътибор қолмаслигини таъкидлади. Шундан сўнг спорт байрамининг байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграли ва мусобақалар бошланди.

— Кўриб турибсиз, — дейди институт жисмоний тарбия кафедрасининг мудири С. Абдурашидов биз билан суҳбатда, — бугунги мусобақалар енгил атлетика, футбол, волейбол, миллий кураш каби спорт турлари бўйича ўтказилмоқда. Спортчи талабаларимиз институтлараро ўтказиладиган мусобақаларда ҳам яхши натижаларга эришиб келишмоқда. Бугун ҳам талабаларимиз мусобақаларда ўз маҳоратларини яхши намойиш этишади, деган умиддаман.

Қизғин спорт байрамида миллий кураш мусобақаси ўзгача бир файз билан ўтди. Қайсики, мусобақанинг деярли ҳамма турлари бир вақтда спорт майдонининг турли жойларида ўтказилмоқда эди. Нимагадир миллий кураш ўтаётган жойда томошабинлар қурашаётган полвонларни жўшиб олқишлашар эди. Бизнингча, бунинг боиси миллий ўйинларимиздаги миллат ғурури, миллат шаъни ва қадр-қимматининг нақадар юксаклиги бўлса керак.

Миллий кураш мусобақасида мутлақ ғолиб молия-иқтисод факультетининг талабаси А. Нормуродов бўлди ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Полвонлардан М. Тожиев, Ҳ. Ҳудойберганов ва Э. Ҳўжамуродовлар ҳам ўзининг чиройли усуллари билан рақибларини доғда қолдириб, мусобақа ғолиблари бўлишди ва совринлар билан тақдирланди.

То кечгача давом этган спорт байрами ҳаяжонларга тўла кўтаринки руҳда ўтди.

Қаюм БОЙМИРОВ

СУРАТДА: спорт байрамидан лавҳа.

Xotira

ЭЪЗОЗ

Таклифнома олдим. Уни ўқиб, Наманган шаҳридаги 62-мактабда вилоятда халқ таълимини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган педагог, марҳум Абдулазиз Хўжаевни хотирлаш муносабати билан ўтказиладиган маросимга чорланганимдан воқиф бўлдим. Бундай хайрли тадбирда иштирок этиш у кишини билган ҳар бир одам учун устоз хотираси олдида бош эгишни англатади. Шунинг учун барвақтроқ боришга қарор қилдим. Чунки, бу домламизнинг биргина бизнинг хонадонда уч авлодга мансуб шогирдлари бормиз: бошқача айтганда, уттизинчи йилларда у кишида таҳсил кўрган онам, 50-йилларда у киши ўқитган мен, 60-йилларда домладан таълим олган рафиқам. Мен ана шу уч авлоднинг вакили сифатида оиламиз номидан у кишининг хотираси олдида бош эгишга бурчлиман. Шукрона билан айтишим керакки, аввало хонадондаги аҳиллик, бир-бирини тушуниш, қолаверса, умр йўлларида қўлга киритилган озми-кўпми муваффақият ёки ҳаётдаги омаднинг тамал тоши мактабда, ана шу табаррук зот томонидан қўйилган бўлса, ажаб эмас. Наманган шаҳри марказидаги юзлаб оилалар ҳам шу туйғуга эга.

Азиз ака Хўжаевнинг сиймоси минглаб қалбларга тўла маънодаги халқ ўқитувчиси, отадай меҳрибон, бор билимини, тажрибасини ўз ўқувчилари ва ҳамкасблари билан баҳам кўрадиган сахий инсон сифатида нақшланиб қолган. Айниқса, уруш йилларида туғилган бизнинг авлодимиз, хусусан, менинг мактабдошларим учун бу сиймо ғоятда қадрли.

Намангданнинг марказида жойлашган ва ҳамиша илғор саналиб келган 5-ўрта мактабга 1953 йилнинг 1-октябрида янги директор келди. Биз 5-синфда ўқирдик. Ўқитувчидан кўра кўпроқ давлат арбобларига ўхшаб кетадиган салобатли, кўркам ва хушсурат бу одамнинг қиёфаси мактабимизнинг каттаю кичигига таниш эди. Кейинчалик биз домланинг муаллимлик фаолиятлари 1930 йилда 18 ёшларида бошланганини, орадан икки йил ўтибоқ, шаҳардаги 3-мактабнинг директори, урушнинг қайноқ кунларида — 1942 йилда шаҳар халқ маорифи бўлими мудирлигига ўтганлари, икки йилдан сўнг эса, вилоят халқ маорифи бўлимини бошқарганлари, кейин тўрт йил Наманган педагогика билим юртига раҳбарлик қилиб, яна вилоят халқ маорифига мутасадди бўлганлари ва у ердан бизнинг мактабимизга келганларини билиб олдик.

Азиз ака келган кундан ғуё мактабимизга ўзгача бир нур, файз киргандай бўлгани эсимда. Домла қаерда, қайси лавозимда ишлаган бўлмасинлар, юқори синфларга ўқитувчиликни қўшиб олиб борганлар. У киши ўзбек тили ва адабиётидан дарс берар эдилар. Шунинг учун бўлса керак, зеҳнлари ўткир, икки минтга яқин ўқувчининг деярли ҳар бирини қисқа муддатда таниб олгандилар ва номимизни чақириб ҳайрон қолдирардилар. Бугина эмас, ё синф раҳбарларимиз, ўқитувчиларимиз орқали ё аввал айтганимдай кўпчилигимизнинг ота-оналаримизни ўқитганлари туфайли оилавий аҳволимиздан ҳам хабардор эдилар.

Эллигинчи йиллар ўқувчилари орасида оталари урушда қурбон бўлган, кўнгли ўксик болалар, қизлар анчагина эдик. Азиз ака бизга, айниқса, эътибор берар, уксикликни сездирмаслик учун жиндайгина муваффақиятимизни ҳам рағбатлантириб турар, аъло ўқишга, бирор олий ўқув юртига боришга даъват этардилар. Бирор соҳада иқтидори намоён бўлган болаларни ўз соҳасига қизиқишини ошириш учун жон куйдирардилар. Мактабимизда дарсдан ташқари деярли барча фанлар бўйича ҳам, касб-ҳунарлар бўйича ҳам тўгараклар ишлар, бизнинг дарсдан кейинги вақтимиз ҳам мактабда ўтарди.

Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Аввало директорнинг катта ташкилотчилик қобилияти билан бирга ўз касби ва фанига меҳр қўйган муаллимларнинг мактабда йиғилиб қолгани эди. Азиз акадан бошқа яна Латифжон ака Мамажонов, Ҳабибахон опа Мадаминова, Ёқубжон Давидов каби адабиётчилар, Ҳанифа опа Бурнашева, Боқижон ака Алихонов, Маматхон ака Мусалламов каби математиклар, бошқа фанларнинг ҳам билимдон, тажрибали муаллимлари дарс пайтида билим беришдан ташқари бўш вақтларимизда ҳам қизиқишларимиз учун ўз вақтларини аямас эдилар.

Бугун халқимизнинг ардоқли санъаткорига айланган Ёқуб Аҳмедовнинг, Узбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган шифокор Ойшахон Кўчқорова ёки рассом Эркин Азизовнинг иқтидорлари ана шу тўгаракларда куртак отган, десак муболаға бўлмас.

Мактабда дарсдан ташқари пайтда олиб борилган ишлар ўқувчиларни ижтимоий фаолликка ўргатганини ўнлаб мактабдошларимизнинг халқ хўжалигининг турли жабҳаларида раҳбарий лавозимларда муваффақиятли ишлаётгани кўрсатиб турибди. Уларнинг бир нечаси шаҳар ва туманларни бошқардилар, бошқармоқдалар...

То устоз номи берилган янги — 62-мактабга етиб боргунча хаёлимдан кечган бу гаплар хотира кечасида Азиз ака ҳақида сўзланган эсдаликлар билан янада бойиди. Кечага Азиз ака 23 йил давомида муттасил раҳбарлик қилган 5-мактабни турли йилларда битирган кишилар, у мўътабар зотдан бошқа даргоҳларда таълим олганлар, бирга ишлаганлар, бугун у кишининг ишини давом эттираётган шогирдлар тўпланишган эди.

— Мен 1942 йилда Азиз аканинг қўлларидан етуклик атестати олган эдим, — деб эслади Беруний мукофоти соҳиби, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, таниқли арабшунос, профессор Исматулла ака Абдуллаев. — Домла то умрларининг сўнгги кунларигача менга яқин маслаҳатгўй бўлдилар, 1946 йилда САГУ (ҳозирги ТошДУ) шарқ факультетига ўқишга ўзлари кузатгандилар. Тошкентга йўлларни тушса, албатта, йўқлаб ўтардилар, хат ёзиб рағбатлантириб турардилар.

Хотира кечасида иштирок этган Наманган шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Нурбек Абдуллаев билан Дилбар Зоҳидова (иккови ҳам Азиз аканинг шогирдлари), бугун 5-мактаб жамоасига раҳбарлик қилаётган тажрибали педагог Маъмурахон Муродова, 62-мактаб директори Манзурахон Мақсудовалар устоз хотирасини эъзозлашнинг энг яхши йўли у кишининг бой тажрибасини чуқур ўрганиш ва ундан бугунги шароитда самарали фойдаланиш эканини таъкидлашди.

Кечада Азиз аканинг фарзандлари — тиббиёт фанлари номзоди Азизахон ва муаллима Иродахонлар ўз оталари хотирасига кўрсатилган эҳтиром учун кечага ташриф буюрган меҳмонларга миннатдорчилик изҳор этдилар.

Домла ҳар бир шогирдининг камолидан қувонар, улар билан фахрланар эди. Унинг яхши ишларига дахлдор мақолалар чиққан газеталарни ҳам бисотида сақлар экан.

Тасаввуримда дастлабки кўрганим бундан 45 йил олдинги басавлат, хушсурат Азиз ака янада салобатлироқ бўлиб туюлди. Мактабда менга Азиз ака бисотидан бир газетани ҳам совға қилишган эди. Бу газета бундан уттиз йил олдин 1968 йилнинг 16 январида чиққан ҳозирги «Тонг юлдузи» бўлиб, унинг биринчи бетида менинг муаллимларга аталган «Таъзим» сарлавҳали шеърим босилган экан. Газетанинг иккинчи бетида эса Азиз ака Боқижон ака Алихонов деган домламиз ҳақида «Заҳматкаш» сарлавҳали мақола билан қатнашган эканлар. Унда шундай жумлалар бор: «Агар мендан дунёда энг заҳматкаш киши ким, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмасдан ўқитувчи, деб жавоб берардим. Нега десангиз, 30 йилдан кўпроқ педагогик тажрибам, бу ишда елкадош бўлган ҳамкасбларимнинг иш фаолиятларидан шу хулосага келдим».

Ана шу заҳматкаш иборасини ғуё устоз ўзига нисбатан ишлатгандай туюлди. Шукрки, умр бўйи чеккан заҳматлари одамлар қалбида у кишига нисбатан учмас ҳурмат ва эҳтиром қолдирди. Бугунги дилдан чиққан самимий миннатдорлик сўзлари ана шу эъзоз ва эҳтиромнинг бир кўриниши эди. Ўша куни ҳар бир муаллим сиймосида Азиз акадай касбига фидойи, шогирдларига меҳрибон устозни кўргим келди.

Ҳабиб САЪДУЛЛА

ХАНДАЛАР

ЖЕКнинг ХАТОСИ

Жекнинг онаси: — Жек, токчада 3 бўлак торт парчаси бор эди. Ҳозир иккита қолибди.

Жек: — У ер жуда қоронғи эди, ойи, қолганларини кўрмабман.

ТЎҒРИЛАШ

Ўқитувчи: — Жимми, сен нега юзингни ювмадинг? Бугун эрталаб нима еганингни биламан.

Бола: — Нима экан у?

Ўқитувчи: — Тухум!

Бола: — Йўқ, сиз янглишдингиз, мен уни кеча егандим.

КИМНИНГ ХАТОСИ?

Ўқитувчи: (Теддининг уй вазифасини текшираётган пайтда) — Тавба, бир одам шунчалик кўп хато қиладими?

Тедди: — Бир киши эмас, отам ёрдам берганди.

ЖОНИнинг ДОЛЛАР ТЕЖАГАНИ

Жони: — Дада, сиз учун долларни сақлаб қолсам яхшими?

Дада: — Албатта, ўғлим.

Жони: — Ҳўп, сиз учун уни сақлай қолдим. Сиз менга агар бу ҳафта яхши баҳо олиб келсанг, сенга доллар бераман дегандингиз. Шунинг учун мен яхши баҳо олмадим.

РЕСТОРАНДА

— Официант, бу келтирган балиғингиз бир оз эскириб қолганга ўхшаяпти. Ўтган якшанбадаги балиқ яхши эди.

— Кечирасиз, сэр, бу ўша кунги балиқ.

ВРАЧнинг БУЮРГАНИ

Хизматкор: — Сэр, туринг, туринг!

Хўжайин: — Нима гап?

Хизматкор: — Уйқу дорини ичиб олиш вақти келди.

ЯХШИ ТАЛАБА

Профессор: — 17-аср кимёгарлари ҳақида бирор нарса дея оласанми?

Талаба: — Ҳа, сэр. Уларнинг ҳаммаси вафот этган.

ОДОБЛИ ЖОН

Жажжи Жон тиқилинч автобусда дадасининг тиззасида ўтирган эди. Бир қари хотин автобусга чиққан заҳоти Жон ўрнидан сакраб туриб, мулойимгина қалпоғини ечиб, «келинг хола, ўтиринг» деб таклиф қилди.

Инглиз тилидан Давронбек НОСИРОВ таржимаси

Quvnoq startlar

ЖИЗЗАХДА ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

«Қувноқ стартлар» халқаро ва республика телевизион мусобақалари Низомига кўра, кўп йиллардан буён Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўқувчилари билан спорт беллашувлари ўтказиб келинаётир. Шу йилнинг биринчи чорагида XIV республика «Қувноқ стартлар» телемусобақаси ғолиби Жиззах туманидаги 13-мактабнинг «Истиқлол» командаси аъзолари Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳридаги 68-мактабнинг «Барчин» командаси билан халқаро дўстлик учрашуви ўтказиб, ғалаба қозонишган эди.

Яқинда қирғизистонлик ўқувчилар жиззахлик дўстлари ҳузурига ташриф буюришди. Жиззах политехника институтининг спорт залида «Истиқлол» ва «Барчин» командалари аъзолари ўртасидаги учрашув қизиқарли кураш остида ўтди.

Мусобақа дастуридан ўрин олган спортнинг ўйин турлари, тўсиқлардан сакраб ўтиш эстафеталари, қирғиз ва ўзбек халқ миллий ўйинлари, сардорлар беллашувларида ҳар икки команда аъзолари ғалаба иштиёқида ҳаракат қилишди.

Учрашувда 16:11 ҳисобида «Истиқлол» командаси аъзолари ғалаба қозонишди. Жиззах тумани ҳокимияти ва туман халқ таълими бўлими ҳомийлигида ташкил этилган мусобақа қатнашчиларига эсдалик совғалари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Ёшлик» КСЖ Марказий Кенгаши, Жиззах вилоят кенгашининг диплом ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Қардош Қирғизистондан келган меҳмонлар Жиззах шаҳри, шунингдек, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларининг тарихий ёдгорликлари, музейлари ва диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришди.

М. ҒАФУРОВ

Xullas...

ҚУНДУЗ ЗЎРЛИК ҚИЛСА-Я...

Новгороддаги қишлоқлардан бирида яшовчи аёл касалхонага беҳуш келтирилди. Шифокорлар ҳайрон, унга нима бўлди экан?

Маълум бўлишича, у кирларини кўл бўйида чаяётган вақтда сув қундузи чойшаб устига сапчиб тушган. Аёлнинг юраги қинидан чиққудек уриб кетди ва ўтирган жойига беҳуш йиқилди.

Граждан мудофааси ва фавқулодда ҳодисалар бўйича штабнинг хабар беришича, йил бошидан бери ҳайвонларнинг кишиларга зиён-заҳмат етказиши бир неча марта содир этилган. Бўри, тулки кимларнидир зор қақшатгани етмагандай, оддийгина сув ҳайвони уй бекасининг ҳушини бошидан учирса-я!

ҚАТЪИЙ ТАРТИБ

Орёл шаҳрида қонундан ташқари тартиб жорий қилинди. Кўча ва майдончалар саранжомсаришта, кўз қувнатадиган даражада бўлсин, деб ҳукм чиқарди шаҳар мэри Е. Вальковский. Шаҳарда тартиб сақловчиларнинг фикридан хулоса чиқарган бу тўра симёғочларга эълон осишни қатъий таъқиқлади. Кимда-ким бу йилнинг 1 июнидан кейин чироқ ўрнатилган симёғочларга эълон ёпиштирса, катта миқдорда жарима тўлашга мажбур. Фақат махсус стендларгагина эълон ёпиштирилиши керак. Тартиб бузувчиларни эса аниқлаш қийин эмас. Милиционерлар эълон тагидаги телефон номерига сим қоқишса бас...

МАОШ УНДИРИШ УСУЛИ

Ульяновск деган жойни биласиз. Вақтида маош олмаслик ҳоллари шу ерда ҳам кузатилаётган экан. Пулсиз кун кўриш қийин, маошдан эса дарак йўқ.

«Марс» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси вахтёрига кимдир қўнғироқ қилди: касаба уюшма биносига бомба қўйилган. Навбатчи аёл қўрқиб кетса-да, нима бўлишини кутди. Роппароса икки соат ўтиб, совуқ огоҳ такрорланди. Бу гал сирли овоз эгаси ультиматум қўйди: агар яқин кунларда корхона ходимларига маош тўланмас экан, маъмурият яъни раҳбарият биносига шафқат қилинмасдан, бомба портлатилади...

Вахтёр аёл бу огоҳдан бошлиқларни хабардор қилди. Тезликда воқеа содир бўлган жойга қутқарувчилар етиб келишди. Исковуч итлар ёрдамида бомбани узоқ ахтаришди, тополмадилар...

Қайдам, балки бу ҳийладир... Ҳар қалай маъмурият шундан сўнг ғимирлаб қолди.

ana shunaqa gaplar

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 36-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Нодир Мирзаев номига берилган UZA 083820 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

***

Ўрта Чирчиқ туманидаги 27-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Жамол Усмонов номига берилган 281119 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-098. Тиражи 43.795. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.30. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6